



ЖОНКУЯР УСТОЗ

Казакова Раъно

Бахмал туман ахборот кутубхона марка

Абонамент ва фойдаланувчиларга хизмат курсатиш мутахассиси:

Илму маърифат фидойиси Али Ақмуродов нафақат Бахмал тумани балки Жиззах вилоятида таниқли устозлардан биридир .Али домла 1955 йил 1 июнда Бахмал туманидаги "Жарбулоқ -Уяс" қишлоғида туғилди. 1962-1972 йилларда дастлаб 7-саккиз йиллик мактабда, сўнгра 1-ўрта мактабда ўқиди. Мактабни битиргач тумандаги "Ғалаба байроғи"(ҳозирги "Бахмал ҳаёти ") газетасида ишлади.1974-1978 йилларда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факултетини имтиёзли диплом билан тугаллади. Институтни битиргач " Ўзбек адабиёти" кафедрасига ўқитувчи қилиб олиб қолинди. Ушбу олий даргоҳда 1978-1990 йилларда ўқитувчи, сиртки бўлим услубчиси вазифаларида ишлади.1990-1992 йилларда Республика маънавият ва маърифат тарғибот маркази Жиззах вилоят бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. 1992-1994 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш институти "Ўзбек тили" кафедрасининг ўқитувчиси лавозимида меҳнат қилди.1994-1999 йилларда Бахмал тумани "Маънавият ва маърифат "бўлими бош мутахассиси вазифасида ишлади. 1999 йилдан то нафақага чиққунга қадар Бахмал маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқитувчиси, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудирини бўлиб фаолият кўрсатди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истиклол" жамғармаси қошидаги "Таълим муассасалари бошқаруви" махсус курсини муваффақиятли тугатди. 1978-1990 йилларда Жиззах Давлат педагогика институти"Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишланган даврда устозлари тилшунос олимлар; профессор Б.Ўринбоев, доцентлар И.Суяров, П.Хамдамов, Б. Файзуллаев, Х.Жўраев, адабиётшунос олимлар: профессорлар Ў.Носиров, У.Қосимов, О.Жўраев, Ф.Бойназаровлардан ҳар томонлама сабоқ олди. Уларнинг илмий ва педагогик тажрибаларини ўрганиб, ўзининг илмий-ижодий ишларини такомиллаштиришга саъй -ҳаракат қилди. Домладан сабоқ олган шогирдлари таниқли шоирлар: Абдухалил Саттор, Саъдина Бобомуродова, Саид Азим Равшан, Абдулла Қўшбоқ, Юсуф Шукуров, журналистлар: Алижон Абдусаттаров, Саид Донишев, Сафарали Мамиров, филолог олимлар: Юлдуз Каримова, В.Мусаевлар ўз йўналишида ютуқларга эришиб келмоқда.Мустақилликка эришганимиздан сўнг она тили ва адабиётимизни ўрганишга эътибор кучайди. Республикаимизнинг барча олий илм даргоҳларида"Ўзбек тили" кафедраси ташкил этилди. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш институти ўзбек тили





кафедрасида АлиАқмуродов бўлажак мухандисларга ўзбек тили ва адабиётини ўргатиш, давлат тилида иш юритишдан сабоқ бериб келди. Ушбу кафедрада Ўзбекистон фанлар Академияси мухбир аъзоси, профессор Ғани Абдурахмонов, профессор Ҳасан Қудратиллаев, доцентлар А.Нишонов, Ғ.Умаровлар билан бирга ишлаш унга катта илмий-ижодий тажриба бўлди.

Бахмал маиший хизмат касб ҳунар коллежида ишлаган пайтларда катта илмий-педагогик тажрибага эга бўлганлиги учун дарсларни жуда қизиқарли ва мазмунли олиб борар эди. Айниқса талабаларга анъанавий ва янги педагогик технологияларга асосланиб дарс ўтиши яхши натижалар берди. Шу билан бирга тажрибали устоз, кафедра мудири сифатида кўплаб ёш ўқитувчиларга ҳам устозлик қилди. Домла коллежда маънавий-марифий тадбирларга жуда эътибор билан қарар эди. "Навоийхонлик", "Бобурхонлик" тадбирлари, А.Темур ва бошқа тарихий шахслар, шоир ва адибларнинг таваллуд кунлари мунтазам ўтказиб борилди. Коллежда маҳаллий ва таниқли ижодкорлар билан учрашувлар жуда қизиқарли ўтказиларди.

Тоҳир Малик, Саъдулла Ҳаким, Адҳамбек Алимбеков, Туроб Мақсуд, Меҳрибон Абдурахмонова, Абдурауф Раҳимқулов, С.Равшанов, Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев, Ҳайитали Низомиддиновларнинг санъат ва адабиёт ҳақидаги чиқишлари ўқувчиларга унутилмас таассурот қолдирди.

Сифатли таълим самараси ўлароқ, ушбу коллеж вилоятимиздаги энг нуфузли илм масканига айланди.

Али Ақмуродов адабиётшунос сифатида бир қанча ишларни амалга оширди. Адабиётшуносликка тегишли китоблар, мақолалар, тақризлар ёзди, китобларга муҳаррирлик қилди, адиблар ижодига бағишланган илмий-адабий тадбирлар уюштирди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 21 октябр "Тил байрами" даги нутқида Жиззахлик зиёлиларга Анқабой Худойбатов ҳаёти ва ижодини ўрганиб, китоб қилиш таклифини айтган эди. Ушбу таклифни ҳисобга олган устоз 2023 йилда "Анқабой Худойбаҳтов ким эди?" номли китобини ёзиб, унинг ҳаёт ва ижод йўлини ёритиб берди. Асар мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" ижодий асарлар танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни олди.

Изланувчан педагог Али Ақмуродовнинг адабиётшуносликка оид Ойбек, А.Қаҳҳор, Н.Сафаров, Анқабой, Т.Сулаймон, Б.Иброҳимов, Н.Қобул, Ш.Бошбеков, С.Равшанов, Х.Эсанов ва бошқа адиблар ижодига тегишли мақолалари марказий ва маҳаллий газета ва журналларда, илмий тўпламларда эълон қилинди.

Ёзувчи Худойберди Эсоновнинг "Умар бобонинг бир куни". профессор Ўрол Носировнинг "Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи" китобларига тақризлар ёзди. "Абдулла Қаҳҳор" номли каталог яъни адиб асарлари,



кўлёмалари ва бошқа архив хужжатларининг тўлиқ тавсифномалари тўплаб, китобга муҳаррирлик қилди.

Бахмал халқ ижодиёти музейи раҳбари С.Равшанов билан ҳамкорликда 2003 йили Анқабой Худойбахтов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий тадбир ўтказди. Анқабой ижоди ҳақида мазмундор маъруза қилди. Шунингдек Тўра Сулаймон таваллудининг 65,70,80 йиллик тадбирларининг ташкилотчиларидан бири бўлди ва ўзи ҳам шоир шеърляти ҳақида қизиқарли маърузалари билан қатнашди. Фольклоршунос олим А.Турсунқулов билан ҳамкорликда Бахмалда бахши шоирларнинг республика кўрик-танлови ташкил этди. Унда барча вилоятлардан бахши шоирлар, фольклоршунос олимлар; Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев, Асқар Мусақулов каби олимлар иштирок этди ва тадбир адабиёт ва санъат байрамига айланиб кетди. Устоз ижодининг яна бир йўналиши таниқли кишилар ҳаёти ҳақида ёзган эссе ва публицистик мақолаларидир.

2022 йилда "Элимиз фидойилари", 2023 йилда "Бахмаллик хожилар", 2024-йилда "Бахмал зиёлилари" каби рисоаларини нашр этди.

Али Ақмуродов илмий-ижодий фаолятини яна бир йўналиши унинг маънавиятчи, тарғиботчи сифатидаги фаолятидир. Устоз оммавий ахборот воситаларида мунтазам қатнашиб туради. Ўзбекистон телевидениеси "Маҳалла" каналининг "Инсон азиз" кўрсатувида берилган Анқабой, Б.Иброҳимов ҳақида айтилган маълумотлар эътирофларга сазовор бўлди. Устоз Али Ақмуродов 70 ёшида ҳам китоб ўқиши, уйдаги шахсий кутубхонасида 1000 га яқин китоблари борлиги маълум.

"Маърифат" газетасида С.Муллаеванинг "Али муаллимнинг жўшқин фаоляти", "Жиззах ҳақиқати" газетасида Т.Хўжамбердиевнинг "Маънавият тарғиботчиси" мақолаларида илмий-педагогик фаоляти ёритилган.

Устоз Али Ақмуродов барча ҳавас қилса арзийдиган оила соҳибидир.

Турмуш ўртоғи Соадат опанинг касби ўқитувчи. Катта қизи Шоира соғлиқни сақлаш муассасида ишлайди. Ўртанчи қизи Шоҳида Ўзбекистон Фанлар академияси физика институтининг докторанти. Кичик қизи Дилноза мактабда ўқитувчилик қилади. Ўғли Азиз молиячи.

Устознинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб кадрланди. 2010 йилда янги ташкил этилган "Антик дунё" халқаро академиясининг доценти даражаси берилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Бутунжаҳон халқ ижодкорлари уюшмасининг аъзолигига тавсия қилинди.

Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим, деганларидек, илму фан равнақи йўлида меҳнат қилаётган Али Ақмуродовнинг ҳаёти ёшларга ибрат бўлишига ишончимиз комил.